# Инвестициялар ва қурилиш

2017йилянварь-мартойларидавилоятнингасосийкапиталиникўпайтиришга2352,8млрд.сўммиқдоридаинвестициялаpкиритилдиваўсишсуръатиўтганйилнингшудавриганисбатан 170,3 фоизниташкилқилди.

Молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

| | млрд.сўм | ўсиш суръати, % | Якунга нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|
| **Асосий капиталга киритилган инвестициялар** | **2352,8** | **170,3** | **100,0** |
| шу жумладан | | | |
| **Марказлашган инвестициялар:** | **192,1** | **192,3** | **8,2** |
| бюджет маблағлари | 4,6 | 37,8 | 0,2 |
| давлат мақсадли фонд маблағлари | 122,3 | 73,3 | 5,2 |
| ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари | 65,3 | 98,7 | 2,8 |
| **Марказлашмаган инвестициялар** | **2160,7** | **168,6** | **91,8** |
| корхоналарнингўз маблағлари | 227,2 | 32,0 | 9,7 |
| аҳоли маблағлари | 168,0 | 128,8 | 7,1 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 1741,9 | 470,7 | 74,0 |
| тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 21,8 | 387,1 | 0,9 |
| бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар | 1,8 | 5,7 | 0,1 |

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибидақурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2016 йил январь-март ойларига нисбатан 53,1фоизга ошди ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши4,3 фоизга, бошқа харажатлар улуши 48,8фоизга камайган.

2017 йил январь-мартда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

| | жами | Давлат | Нодавлат |
|---|---|---|---|
| **Жами, млрд. сўм** | **2352,8** | **102,7** | **2250,1** |
| шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида | | | |
| қурилиш-монтаж ишлари | 91,1 | 72,3 | 92,0 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар | 5,1 | 19,2 | 4,4 |
| Бошқа харажатлар | 3,8 | 8,5 | 3,6 |

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмига нисбатанфоиз ҳисобида



**Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 159,5млрд.сўм ёки 66,3фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2017 йилнинг январь-март ойларида умумий майдони 202,2минг кв.м. бўлган 1361та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 122,2фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 154,6минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 121,4фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 2,1км.узунликдаги ичимлик суви, 3,0км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 19,3ва 53,6 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 2,1км. ёки 100,0фоизи ва газ тармоқларининг 1,7км. ёки56,7фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 0,03млрд. сўм, аҳоли маблағлариҳисобидан 0,03 млрд. сўм (100,0 фоизи),газ тармоқлари қурилишига0,05млрд. сўм, инвестициялар ўзлаштирилди,бу100,0фоиз аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017йил январь-мартда542,9млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати109,2фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий хажмининг65,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга,34,4 фоизи капитал, жорий таъмирлашва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 518,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 95,5 фоизни (2016 йил январь-мартга нисбатан0,4 фоизга кўпайди) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

